

## ЎЗБЕК ВА ҚИРГИЗ ХАЛҚ ЭПИК АСАРЛАРИДА СЕХРЛИ УЗУК ОБРАЗИ

Сулайманова Мехринса Ибрахимовна  
Андижон давлат педагогика институту  
Рус-қирғиз тили ва адабиёти кафедрасы  
доцент вазифасини бажарувчиси  
[sulaymonovamexrinsa@gmail.com](mailto:sulaymonovamexrinsa@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Мақолада тақинчоқлар образининг тарихий илдизлари бевосита қадимги диний-маиший ва магик характердаги маросимларга, афсунгарлик, фетишистик, анимистик ва табу билан алоқадор халқ қарашларига бориб тақалиши, ўзбек ва қирғиз халқ эпик асарларидаги сехрли узукнинг сехрли-фантастик эртакларнинг табиатини белгилаш учун хизмат қилиши ва полифункционаллик (кўп вазифалик) касб этиши ҳақида баён этилган.

**Калит сўзлар:** узук, образ, тақинчоқ, полифункционал, заргар, фантастик эртак, достон.

### IMAGE OF THE MAGIC RING IN EPIC WORKS OF UZBEK AND KYRGYZ PEOPLE

Sulaymanova Mekhrinsa Ibraximovna  
Andijan State Pedagogical Institute  
Department of Russian-Kyrgyz language and literature  
Assistant-professor

### ABSTRACT

In the article, the historical roots of the image of jewelry can be traced directly to ancient religious, everyday and magical rituals, folk beliefs related with witchcraft, fetishism, animism and taboos. It is stated that the magic ring in Uzbek and Kyrgyz folk epics serves to determine the nature of magical-fantasy tales and acquires polyfunctionality (multifunctionality).

**Key words:** ring, image, jewelry, multifunctional, jeweler, fantastic tale, epic.

## КИРИШ

Тақинчоқлар образининг тарихий илдизлари бевосита қадимги диний-маиший ва магик характердаги маросимларга, афсунгарлик, фетишистик, анимистик ва табу билан алоқадор халқ қарашларига бориб тақалади. Хусусан, ибтидоий инсонларнинг жонсиз нарсаларга нисбатан жони ва руҳи бор деб қарашган. Уларнинг сехри ва жоду қучига ишонишган. Шу сабаб ўзлари учун ҳимоячи деб билган қадимги фетишистик қарашлар тақинчоқлар образининг келиб чиқишида етакчи асослардан ҳисобланган.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мақолада қўйидаги адабиётлардаги мавзуга оид материаллар таҳлилга тортилган. Кыргыз адабияты (Антология) “Элдик балдар фольклору” китобидаги “Алтын шакек” (“Тилла узук”), “Обозгердин кызы” (“Вазирнинг қизи”), “Чыныбек” каби эртаклардаги тақинчоқ образлари олиниб, таҳлил қилинди. Бундан ташқари Эшонқул Ж. “Фольклор, образ ва талқин” деб номланган асарида “Тағримтош” эртаги мисолида таҳлилга олинган тақинчоқлар ва у билан боғлиқ фикрларга тўхтанилган. Шунингдек интернетдаги <https://parstoday.com/uz/radio/programs-i841>- электрон манзилдаги фикрлардан ҳам фойдаланилди. Таҳлилга олинган адабиётлардаги фикрлар қиёсий планда ўрганилди.

## НАТИЖАЛАР

Ўзбек ва қирғиз эртак ҳамда достонларида тақинчоқлар образига кўп дуч келиш мумкин. Айниқса, сюжетида сехрли узук қатнашган эртаклар анчагина. Уларда сехрли узук эпик қаҳрамонларнинг мўъжизакор ёрдамчиси вазифасида келиб, уларнинг хоҳлаган тилаги амалга ошиши, шоҳона ҳаёт кечириши, севганига эришиши йўлида мадад бўлади.

## МУХОКАМА

Дарҳақиқат, эртакларда сехрли узук, сехрли-фантастик эртакларнинг табиатини белгилаш учун хизмат қиласи ва полифункционаллик (кўп вазифалик) касб этади. Айтайлик, у худди учар гилам каби қаҳрамонни айтган жойига етказиб қўя олади. Очилдастурхон каби қаҳрамонга ризқ-насиба етказади ва ҳ.к. Воқеалар тасвирида узук ё битта, ё бир неча бадиий вазифасида талқин этилиши мумкин.

Ўзбекларнинг “Тилла узук” эртагида сехрли узук қаҳрамоннинг бойлика эришиш, севган ёрининг васлига етишиш, подшоҳнинг барча айтганларини бажо келтириш, ёвузлик устидан ғалаба қозониш каби турли хил истакларини амалга оширади.

Ўзбекларда “Тилла узук” номи билан эртак бўлгани сингари қирғизларнинг ҳам “Алтын шакек” (“Тилла узук”) деб аталувчи эртаги мавжуд. Унда сехрли

узук образи орқали эртакдаги воқеалар ривожи таъминланган. Узук воситасида қаҳрамоннинг барча тилаклари амалга оша боради. Эртак бош қаҳрамони асранди бир йигит бўлиб, у эртак воқеалари давомида тақдирнинг турли хил синовларига дуч келади. Бу синовлардан ўтишда унга тилла узук ёрдам беради. Йигит бу узук ёрдамида хоҳлаган ниятига эришади. Ҳикоя қилинишича, йигит бир куни “Отамнинг устида уй, отхонасида оти, қўйхонасида қўйлари, моллари бўлсин” деб, тилла узукни ерга уради. Узук йигитнинг айтганларини бир зумда муҳайё қиласида. Чол ва кампир асраб олган боласидан миннатдор бўлади [2:313].

Эртакда подшоҳнинг барча айтганлари узукнинг ерга урилиши натижасида бажарилади: “...эшигимнинг олдида олтинлар уйилиб турсин, яйловларимда олтин ва кумушдан оқ саройлар солинсин. Оқ саройнинг ичида ёғ кўл билан сут кўл бўлсин. Ўша кўлларда олтин ва кумуш балиқлар ўйнаб турсин. Уйимнинг четига чинор билан кумуш терак экилсин. Теракларда олтин булбул билан кумуш булбуллар сайраб турсин. Қизимнинг қалини – шу. Қалинни қирқ қун ичида бажариб, келинингни олиб кет” [2:313] Подшоҳнинг солган қалини узук ёрдамида узилади: “Чол келиб боласига айтади. Йигит рози бўлади ва подшоҳнинг барча айтганлари муҳайё бўлсин, деб узукни ерга уради. Бир зумда узук боланинг барча айтганларини бажаради” [2:313].

Сехрли узук қандай инсоннинг қўлига тушишига қарамай, у хоҳ яхши инсон бўлсин, хоҳ ёвуз бўлсин, унинг барча истакларини бажаради. Яхшилик тарафдори бўлган қаҳрамоннинг эзгу ниятлари узук орқали амалга оширилади. Мастон кампирнинг қўлига тушган узук унга ҳамроҳ бўлиб, барча ёвузликларини бажаради: “Мастон кампир узукни бир кўрай деб, келиннинг қўлидан олади ва олтмиш икки дуосини ўқиб, “шу келин менинг ўғлимнинг хотини бўлсин” деб, узукни ерга уради. Шундай қилиб, мастон кампир келинни ўзининг кал ўғлига хотин қилиб беради”. Албатта, эртакларда ёвузлик устидан яхшилик ғалаба қозонади, узукни йигит қўлга киритади ва хотини, мушуги, хўрози, ити билан баҳтли ҳаёт кечиради.

Қирғиз халқ сехрли эртакларидан яна бири “Чинибек”да ҳам тилла узук образи учрайди. Унда тилла узук хабарчи вазифасини бажарган. Эртакда Қораҳон Чинибекнинг аёlinи ёқтириб қолади ва унга эришиш учун Чинибекка ҳар хил топшириқлар беради. Бу топшириқларни бажаришда Чинибекнинг аёли Ойим сулув ёрдам беради. Қораҳоннинг етти кунлик топшириғи билан йўлга отланган Чинибекка аёли от, қора қилич, олтин қўнғироқ ва олтин узукни беради. Хон етти куннинг ичида доривор ўсимликнинг гулини олиб келишни, агар олиб келмаса, аёlinи ўзиники қилишини айтади.

Чинибекнинг аёли эрининг сафари олдидан хат ёзиб унинг чўнтағига солиб қўяди ва бу хатни чайлладаги кампирга чап қўли билан беришини айтади.

Чинибек аёли айтганидек, бир чайланинг ичига киради. У ерда бир кампир айрон қуиб беради. Айронни ўнг қўли билан олиб, чап қўли билан хатни беради. Хатни ўқиган кампир Чинибекка ёрдам беради. Кудукнинг ёнига кун ботарда уч қизи келишини ва улардан кенжасининг кийимини яшириб қўйишини ҳамда “сенга тегаман” демагунча, кийимларини бермаслигини айтади. Чинибек кампирнинг айтганини қилади. Кенжа қизининг кийимини яшириб қўяди. Чинибек қизга “менга тегаман” десанг, кийимингни бераман, дейди. Кампирнинг кенжа қизи Чинибекка қанчалик ялинмасин, кийимини бермайди. Охири қиз «сенга тегаман», деб ваъда берганидан кейин, кампир келиб, тўртта узукни тўрт томонга иргитиб юборади. Ҳар тарафдан “тўй бўлар экан”, деб одамлар кела бошлашади. Кампир катта тўй бериб, қизини Чинибекка узатади. Яна Чинибекка доривор ўсимликнинг гулини бериб жўнатади [1:226]. Бу жойда узук хабарчи вазифасини бажарганлиги кўриниб турибди. Яъни, у орқали тўрт томонга хабар берилиб, тўй бўлаётганлигининг дараги етказилади.

“Отанинг васияти” номли эртакда хон қизига қаллиқ танлаш учун йигитларни синаш мақсадида жар солади. Хон кимда-ким қизининг минорасига минг зинали нарвон билан чиқса, қизини ўша йигитга бермоқчи бўлади. Кўп йигитлар бу нарвондан чиқа олмай, ҳалок бўлишади. Лекин бир йигит қизнинг шартини бажаради. Қиз хайрон бўлиб, йигитнинг олдига келиб: “Юзингни менга кўрсат”, дейди. Йигит тескари қараб олади. Қиз: “Узугимни бераман, юзингни кўрсат”, деб яна сўрайди. Йигит қизга қарайди, қиз йигитга: “Мана бу узук мендан сенга совға. Йўқотиб ёки синдириб қўйсанг, мендан умидингни уз” дейди. Йигит кетади.

Хоннинг қизи узук тақсан қаллиғини излаб, барча йигитларни чақиртиради ва қўлларини қараб чиқади. Навбат йигитга келганда, унинг қўлидаги узугидан танийди ва элга катта тўй бериб, мурод-мақсадига етишади [1:263].

Кўриняптики, бу эртакда узук функциясига кўра, белги бериш вазифасини бажариб келган.

“Вазирнинг қизи” деган эртакда йигит ўз хотинини ташлаб, олис шаҳардаги хоннинг Сийпо деган қизини уч марта гапиртириб, ўзига хотин қилиб олиш учун йўлга отланади. Лекин хоннинг қизини гапиртира олмайди. Йигитнинг ақлли хотини Сийпо қизнинг олдига келиб, уни гапиртириш мақсадида унга эртак айта бошлайди. Бу эртакда ҳам тақинчоқларнинг ўз ўрни ва вазифаси мавжуд. Унда тақинчоқ безак вазифасида келганлигини кўриш мумкин: “Қадимда ёғоч устаси, темирчи уста, кийим тиқувчи чевар ва битта мулла киши йўлга отланишибди. Улар йўлда отларини қўриқлаш учун навбатлашишади. Биринчи навбат ёғоч устасига келади. У зерикиб ўтириб, ёғочни йўниб, одам ясади ва навбатни темирчи устага беради. У ёғоч одамни кўриб, унга сирға, билагузук, узук,

бўйнига мунчоқ ясаб тақиб қўяди ва навбатни чеварга беради. Чевар «ёғочзор уста билан темирчи устанинг ҳунари экан бу», деб унга чиройли либосларни тикиб кийдириб қўяди. Эндиgi навбат муллага келади. Мулла эса қадди-қомати чиройли, тақинчоқлар билан безатилган ва бежирим қўйлак кийган ёғоч қизни кўриб, унга дуо ўқиб, жон киргизади.

Таъкидлаб ўтилганидек, тақинчоқлар аёлларга зеб бериш мақсадида, қолаверса, ёмон кўздан асраш мақсадида тақилади. Тақинчоқларнинг энг асосий вазифаси ҳам мана шудир. Юқоридаги “Вазирнинг қизи” (“Обозгердин қызы”) эртагида тақинчоқнинг худди шу, яъни безак бериш мақсадида ишлатилганлигини айтишимиз мумкин.

Эртаклар сюжетидаги тақинчоқлар воқеаларни ривожлантиришда, воқеалар ривожини бир-бирига улашда муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, эртак қаҳрамонларига ҳамроҳ бўлиш, муаммо тугунини ечишда белги вазифасини бажариш ва турли хил вазиятларни етказишида хабарчи, жарчи вазифаларини бажариш функциясини ҳам бажаради.

Ўзбек халқининг “Ойпари” эртагида сехрли узук образи воситасида ота-онадан қолган меросдан тўғри фойдаланиш лозимлиги бадиий талқинларда очиб берилган.

“Тағримтош” эртагида бир чолга кичик қизи мунчоқ келтиришни буюради, аммо чол уни бозордаги савдогарлардан ҳам тополмайди. Шунда чолга савдогар: “Бир жойда мунчоқ дарахтлари бор. Битта дарахтини қоқсангиз, бир халта мунчоқ тушади, бориб олиб келасиз. Лекин эҳтиёт бўлинг, катта дарахтга тегиб кетманг, у дарахтнинг ичida девлар жони бор”, – дейди [3:24].

Шайх Фаридуддин Атторнинг “Илоҳийнома” асарида келтирилган “Подшо ва узук” ҳикоясида бир подшонинг ҳакимларга бир узук ясашни буюргани, токи бу узукка қўз ташлаган одам кўнгли шодликка тўлиб, алamu қайгулардан озод бўлиш ёки иқболдан кўнгли шодликка тўлиб кетса, шу узукка боқиб маъюс бўлиш лозимлиги шартини қўяди. Ҳукмдорнинг бу оғир талабини бажариш учун олиму ҳакимлар муддат сўрайдилар. Узоқ фикрлаб, ўйлаб, узукка “Бул ҳам ўтар” деган ёзувни нақш қиласидар. Подшо уни ўқиб хотиржам бўлади.

Яна бир ривоятда султон бир заргарнинг ҳар тонг Оллоҳ йўлидаги ибодат овозидан уйқуси бузилиши сабабли, уни жазолаш учун уч кунда узук ясаш шартини қўяди. Тўртинчи куни ясаган узуги билан бирга ўзининг ҳақиқий узугини қайтариб олажагини айтади. Аммо у узукнинг аслини денгизга ташлайди. Айтилган муддатда заргар катта сандиқ ичидаги кичик сандиқчасидан иккита узукни – асосий ва қалбаки узукни олиб, султонга топширади. Султон эса бу ходисадан ҳайратланганини яширмайди. Шунда заргар узукнинг аслини балиқ сотувчилардан сотиб олинган катта балиқ қорнидан топганлигини айтади.

Султон эса: “Ҳар куни тонгда ўз дуоларинг билан мени уйқумдан ўйғотишиңгга бўйруқ бераман”, – дейди. Шу билан Султон: “Қудратингнинг интиҳоси йўқ ва сен ҳар бир нарсага қодирсан. Агар денгизга бирон нарса тушиб қолса, сенинг қудратинг билан бу нарса қуруқликка чиқарилади”, – дея Яратганга иймон келтиради [4].

Булар узук образи фольклор орқали кейинчалик ёзма адабиётга ҳам синга борганини кўрсатади.

Ўзбек халқ достони “Малика Айёр”да париларнинг гоҳ узукка, гоҳ тўғноғичга айланиш мотиви келтирилган бўлса, “Рав

шан” достонида Юнус парининг сехрли узуги Равшаннинг тақдирини ўзгартириб юборади.

### ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, тақинчоқлар эпик асарларда воқеаларни ривожлантиришда, воқеалар ривожини бир-бирига улашда, эртак қаҳрамонларига ҳамроҳ бўлиш, муаммо тугунини ечишда муҳим аҳамият касб этади.

Халқ сехрли-фантастик эртаклари ҳамда романик достонлар сюжетида айрича ўринга эга бўлган “сехрли тақинчоқ”лар образи алоҳида эътиборни тортади. Тақинчоқлар образи бевосита қадимги диний-маиший маросимлар, ибтидоий даврдаги коҳинларининг афсунгарлик амалиёти ва магик, фетишистик, анимистик қарашлар билан боғлиқ ҳолда шаклланган.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

1. Балдар фольклору. Эл адабияты сериясы. 20-том. – Бишкек: «Шам» басмасы, 1998.
2. Кыргыз адабияты. Антология. Элдик балдар фольклору. 4-том. – Бишкек, 2012.
3. Эшонқул Ж. Фольклор, образ ва талқин. – Карши: Насаф. 1999.
4. <https://parstoday.com/uz/radio/programs-i841->